



РЕСУРСТЕЖАМКОРЛИК АСОСИДА КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ МЎЙНАЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСУЛЛАРИ

Темирова Гулноз Ибодовна - Бухоро муҳандислик – технология институти катта ўқитувчиси. (+99891)441-27-72 (с.) .Email: gulnoz.temirova.72@mail.ru

Темирова Матлаб Ибодовна - Бухоро муҳандислик технология институти доценти, E-mail: tkm_tmi@mail.ru +998907187326

Аннотация. Халқ учун товарлар ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши, улар сифатининг яхшиланиши, барча хизмат турларининг тез ривожланиши аҳоли яшаш даражасининг янги сифатли, анча юқори босқичга кўтаришнинг ўзгармас шарти сифатида қаралади. Атроф муҳитни ифлосланишини олдини олиш мақсадида хом ашёдан унумли фойдаланиш, буюм бичиш вақтида ундан чиқадиган қийқимлардан унумли фойдаланган ҳолда ушбу чиқиндиларни қайта ишлаб турли хилдаги безаклар тайёрлаш орқали янги турдаги кийимлар ассортиментини кенгайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш кўзда тутилган.

Калит сўзлар: *чиқинди; табиий мўйна; безак; қийқим; андаза; мода; конструкция; трафарет.*

МЕТОДЫ ПРОИЗВОДСТВА ШИРОКОГО АССОРТИМЕНТА МЕХОВЫХ ИЗДЕЛИЙ НА ОСНОВЕ РЕСУРСОЕМКОСТИ

Темирова Гулноз Ибодовна -Старший преподаватель Бухарского инженерно-технологического института (+99891)441-27-72 (с.) .Email: gulnoz.temirova.72@mail.ru

Темирова Матлаб Ибодовна -Доцент Бухарского инженерно-технологического института E-mail: tkm_tmi@mail.ru +998907187326

Аннотация. Расширение рынка товаров народного потребления улучшения их качества, развитие всех сфер услуг рассматривается как неизменное условие повышения нового качества жизни населения. С целью предупреждения загрязнения окружающей среды и рационального использования сырья при раскрое изделий из шкуры животных и уменьшения отходов, предусматривается использование отходов и их переработки, которые образовались при раскрое изделий из меха в качестве различных украшений одежды и тем самым достичь расширения ассортимента продукции, с улучшением их качества.

Ключевые слова: *отход, натуральная меха, украшение, лоскут, лекала, мода, конструкция, трафарет.*

METHODS OF PRODUCING A WIDE RANGE OF FUR PRODUCTS ON THE BASIS OF RESOURCE INTENSITY

Temirova Gulnoz Ibodovna -Senior Lecturer, Bukhara Institute of Engineering and Technology (+99891)441-27-72 (с.) .Email: gulnoz.temirova.72@mail.ru

Temirova Matlab Ibodovna - Associate Professor of the Bukhara Institute of Engineering and Technology E-mail: tkm_tmi@mail.ru +998907187326



Abstract. Widening of goods production, rapid improvement of their quality, and all kinds of services for the benefit of people is considered to be as a constant condition of increasing living level of population into new quality and stage. According to preserve environmental pollution to take advantage of raw materials, beneficial using of shreds that are left after cutting process of objects within making decorations by reusing those shreds and to widen new kinds of clothes assortment and improvement of goods quality are mentioned in the article.

Key words: waste material, natural fur, decoration, shred, construction, measure, fashion, pattern.

Аҳоли учун маҳсулот ишлаб чиқариш илмий-техника тараққиётидан фойдаланишга асосланган бўлиб, улар нафақат маҳсулот сифатларини янги даражага кўтариш, балки улар ассортиментини кенгайтиришга ҳам имкон беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётида туб ўзгаришлар амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом-ашё йўналишидан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳияти кенгаётганлиги ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳаси олдида янги вазифаларни қўйди. Халқимизни юқори сифатли, чиройли кийимлар билан таъминлаш бу соҳа ходимларидан катта билим ва маҳорат талаб қилади.

Албатта, бу вазифаларни бажариш учун соҳа мутахассислари муҳим ўрин эгаллайди. Ҳар қандай эскиздаги ғояни рўёбга чиқариш бир қатор ўзига хос жараёнларни ўз ичига олади. Булар қаторига эскиздаги моделни таҳлил қилиш, безаклар, мато ва қўшимча материалларни тўғри танлаш, эскиз асосида модель конструкциясини тайёрлаш, буюмга технологик ишлов бериш усулларини танлаш, пардозлаш ишларини бажариш киради. Бу борада ижод қилиш учун лойиҳадаги модель рангини тўғри танлаш, фактурани аниқ тасвирлаш ва композицияни тўғри куриш муҳим аҳамият касб этади.

Оммабоп эҳтиёжни қондирадиган замонавий кийимларни ишлаб чиқаришда кўп муаммолар мавжуд. Бу ҳолда эҳтимол муаммолар модани амалиётчилиги ва уни стабил томонларидан келиб чиқади. Мода қизиқарли, тез ўзгармайдиган, фундаментални тақдим этиши керак. Моданинг субъективизм ва объективизми нимадан иборатлигини, модадага ҳаёт суръати, илмий-техникавий инқилоб таъсирини тушуниш зарур. Мода ва саноат умумий қонунлар бўйича ривожланади: мода мураккаблашса, буюмнинг лойиҳалаш технологияси мураккаблашади. Инсон костюмда ўз индивидуаллигини ва ўз сиймосини акс эттиришга интилади. Шунинг учун либослар оммабоп ишлаб чиқарилганда стандарт буюмни уйғун сиймолигини ва истеъмолчини индивидуалликка интилишини қондириш талаблари бир қатор қийинчиликларни пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Халқ учун товарлар ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши, улар сифатининг яхшиланиши, барча хизмат турларининг тез ривожланиши аҳоли яшаш даражасининг янги сифатли, анча юқори босқичга кўтаришнинг ўзгармас шarti сифатида қаралади.

Замонавий модадаги кийимда ранглар мажмуи бир ёки икки рангдан иборат бўла олмайди. Кийим кишининг қиёфасинигина чиройли қилибгина қолмасдан, кишининг ўз муҳитига муносабатини ҳам ифодалайди. Кийим яратишда инсонларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб уларнинг муаммоларини ечишга катта эътибор қаратиш лозим, тўғри танланган ғоягина маданиятда, инсонпарварлик маъносидан ўз мавжудлигидан машҳур бўлади. Шунинг учун ҳам янги маҳсулот турини яратишда унинг авваломбор қулайлиги, мода йўналишларига мослиги ўрганилиб чиқилади, акс ҳолда яратилган маҳсулонинг оммабоплиги пасаяди. Кийим яратишнинг яна бир асосий босқичи унинг конструкциясини ишлаб чиқиш жараёнидир. Бу жараён ўз ичига қуйидаги босқичларни олади: моделларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; асосни аниқлаштириш ёки ўзгартириш ва унга модел хусусиятларини ўтказиш яъни намуна-конструкциялар бўлмаса, янги асос ишлаб чиқилади; модел конструкцияси ишланмаси тўғрилигини текшириш. Бу жараёнлар юқори аниқликда бажарилсагина кўзланган натижага эришилади [1].



Юқордагиларни инобатга олиб биз ўзимизни ишланмамизда энг асосий жараёнлардан яна бири атроф муҳитни ифлосланишини олдини олиш мақсадида хом ашёдан унумли фойдаланиш, ундан чиқадиган иккиламчи хом ашё, чиқиндиларни қайта ишлаб янги турдаги безаклар тайёрлаш орқали чиқиндисиз технология асосида янги турдаги кийимлар ассортиментини кўпайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилашни кўзда тутганмиз. Маълумки, табиий маҳсулотлар ўзининг гигиеник хусусиятлари жиҳатдан юқори кадрланади, шунинг учун ҳам табиий маҳсулотга талаб ҳеч қачон камаймайди. Ҳозирги кунда табиий маҳсулотларнинг тури кўпайиб бориш баробарида бежирим, чиройли, сифатли табиий мўйна буюмларига талаб ҳам ошиб бормоқда. Бундай талабни қондириш учун табиий мўйна ишлаб чиқариш ва улардан тайёр буюмлар тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш, фан ва техниканинг энг охириги ютуқларидан фойдаланиш лозим.

Ўзбекистонда етиштирилаётган мўйна хом ашёсининг кўпгина навлари жаҳон стандартларига тўғри келади ва халқаро бозорда юқори кадрланади, шунинг учун ҳам Республикада мўйнали ҳайвонларни саноат усулида боқиш йўлга қўйилган. Мўйнали маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва кишиларни мўйна маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, ҳозирги даврнинг долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Мўйнали маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологияси, энгил саноат билан чамбарчас боғлиқдир. Энгил саноат таркибига кирувчи мўйначилик соҳасининг асосий хом ашёси – уй ва ёввойи ҳайвонлар мўйнасидир [3].

Мўйнанинг сифати терининг тузилиши ва ошлаш сифатига боғлиқ. Мўйнанинг хоссалари жун қатлами ва тери тўқимасининг хоссаларидан ташкил топади. Жун қатламининг асосий сифат кўрсаткичлари: ранги, товланиши, баландлиги, қуюқлиги, майинлиги, қайишқоқлиги, босилувчанлиги. Бу кўрсаткичлар географик шароитга, мўйна учун сўйиш мавсумига, ҳайвонларнинг индивидуал ўзгарувчанлиги, ёши ва жинсига боғлиқ бўлади.

Ранги жиҳатидан мўйна табиий ва бўялган бўлиши мумкин. Табиий момик-мўйна ярим фабрикалари оқ, қора, жигарранг, малла, зангори, кулранг, қўнғир, сарик, тўқ кулранг, оч кулранг рангли хилларга бўлинади. Мўйнанинг табиий ранги унинг турли қисмларида турлича бўлиши, шунингдек доғли бўлиши мумкин. Терининг момиги, дағал туклари ва йўналтирувчи туклари ҳар хил ранг ёки тусда бўлиши мумкин. Бир хил рангли қилиш ёки арзон мўйнани қимматбаҳо мўйнага ўхшатиш учун терилар бўялади. Териларни бўёк эритмасига ботириб қўйиб ва қуюқ бўёқни жун қатлами сиртига суркаб бўяш усуллари бор. Трафарет орқали бўяш ҳам мумкин.

Кенг ассортиментдаги мўйна маҳсулотларига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда, чунки одам совутувчи микромуҳитга қиш ёки қишга ўтиш даврида, совуқ ҳавога дуч келади. Тикувчилик саноати жумласига кирувчи мўйна буюмларига бўлган эҳтиёж айна шу пайтда ортиб боради. Мўйнадан тайёрланган кийимлар инсон танасини ташқи муҳитнинг паст ҳароратидан ҳимоя қилади яъни совуқ муҳитда киши организмидан ажралиб чиқаётган иссиқликни ташқи муҳитга чиқармаслик ва ташқи муҳитдан келаётган совуқликни ўтказмаслик хусусиятига эга. Шуларни инобатга олган ҳолда мўйнадан тайёрланадиган кийимлар ассортиментини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Мўйна ишлаб чиқариш қадимий бўлишига қарамай, бу соҳа аста-секин ривожланиди. Мўйна олиш жараёнлари бир нечта босқичлардан иборат бўлиб, натижада жуда сифатли ва тоза табиий мўйналар олинади.

Табиий мўйна ишлаб чиқариш ва улардан тайёр буюмлар тайёрлаш саноатда технологик жараёнларни интенсивлигини ошириш, маиший хизмат кўрсатишнинг асосий босқичларидан ҳисобланади.

Табиий мўйнадан кийим тайёрлашда унинг хусусиятларини инобатга олиш лозим, чунки ҳар бир матонинг ўзига хос хусусияти мавжудлиги боис мўйна хом ашёсининг ҳам ўзига хос бир қатор хусусиятлари мавжуд бўлиб, кийим тайёрлаш жараёнида турли хил муаммолар содир бўлиши мумкин. Ҳаттоки хом ашёнинг ривожланиш жараёнлари ҳам муҳим босқич ҳисобланади. Табиий мўйнадан тайёрланадиган буюмларнинг хом ашёси



қорақўл терилари бўлиб, улар мамлакатимиз халқ хўжалигининг муҳим тармоғиларидан бири ҳисобланади. Республикамиз иқтисодиётида у катта ўрин эгаллайди. Ихтисослаштирилган йирик фермерлик хўжаликлари ташкил этилганлиги туфайли қорақўл қўйлар туёғи тўхтовсиз ўсиб бормокда. Қорақўл қўйлар териси ўлчами катта ($1100 - 1600 \text{ см}^2$), вазни енгил ($250 - 370 \text{ г}$), мездраси юмшоқ ва пишиқлиги ($0,6 - 0,8 \text{ мм}$), терисининг гули чиройли, мўйи ниҳоятда юмшоқ ва ипаксимон, ранг ва тусларга бойлиги, ҳар хил рангдорлиги билан ажралиб туради.

Мўйнани ошлаш химиявий ва механик ишлов беришдан иборат. Ошлаш натижасида тери тўқимаси эластиклик, чўзилувчанлик, намлик таъсирига чидамлилик хоссаларини олади. Ошлангандан ва нуқсонлари йўқотилгандан кейин тери ҳар хил мўйнали буюмлар тайёрлаш учун яроқли бўлади ва ярим фабрикатлар деб аталади. Жунлилик даражаси ва тери тўқимасининг қалинлиги ярим фабрикатнинг ҳамма қисмида ҳам бир хил бўлавермайди. Шунинг учун терининг ҳар қайси топографик қисми ўз номи билан аталади. Ярим фабрикатлар жумласига пластиналар ва мўйналар ҳам киради. Пластина бир жинсли терилар яъни тери қисмларидан иборат бўлиб, сифати жиҳатидан бир хил қилиб танланган ва бирга тикилган бўлади. Мўйна деб, сифати жиҳатидан танланган ва бирлаштириб тикилган икки-учта бир жинсли пластиналарга айтилади. Одатда мўйна тўплами йирик буюм-мўйнали жакет, пальто, суртук тикиш учун мўлжалланади [4].

Навлash жараёни териларни гулига қараб, ўлчами ва нуқсонларига қараб амалга оширилади. Бунда майда тери бўлакчлари бир-бирига гулларига қараб, бичишга мос қилган ҳолда катталаштирилиб пластина ҳолатида махсус тикув машиналарида тикилиб олинади. Тикилган катта пластиналар ҳўлланиб махсус тайёрланган тахта устида тортилиб қурилади. Тайёр бўлган пластиналардан турли бичимдаги кийимлар бичилади ва тикилади.

Тикувчилик саноатида ишлатиладиган табиий мўйналар хусусияти, тузилиши ва структураси турли хил бўлганлиги сабабли улардан тикиладиган кийимлар ассортиментни ҳам хилма-хилдир.

Қорақўл териларидан кийим деталларини бичиш жараёнида улардан бир қатор қирқим (чиқинди) лар ҳосил бўлади. Бу чиқиндилар майда бўлакчалар бўлиб, улардан буюмлар тайёрлаш қийин. Шу сабабли майда бўлакчалардан буюмлар тайёрлаш учун бир қатор жараёнлар амалга оширилади. Ҳосил бўлган бўлакчаларни гулига, тук йўналиши, рангига қараб алоҳида гуруҳларга ажратиб йиғилади. Йиғилган қирқимлардан кийим тайёрлаш учун бир нечта жараёнлар амалга оширилади. Бу жараёнларни амалга оширишнинг икки усули ишлаб чиқилди.

1-усул. Саралаб олинган қийқимлар мато юзасига симметрик ёки аралаш ҳолатда жойлаштирилиб, махсус композицион эритма ёрдамида ёпиштирилади. Қийқимлар четлари махсус занжирсимон баҳя ҳосил қилиб тикувчи машина ёрдамида четлари чиройли нақш ҳосил қилиб мато юзасига қўйма ва безак чок ҳосил қилиб бириктирилади (1-расм). Тайёр бўлгач турли ассортиментдаги болалар, эркаклар ва аёллар кийимлари бичиб тикилади.





1-расм

2-усул. Тайёр бўлган бўлақлардан турли хилдаги нақшлар тайёрланиб, кийимни турли участкаларини кўринишини яхшилаш мақсадида олдиндан бичиб олинган болалар, аёллар ва эркаклар кийимларининг турли детал (олд бўлақ, орқа бўлақ, енг, ёқа, манжет, қопқоқлар, хлястик, белбоғ в.х) ларга симметрик ёки асимметрик ҳолатда жойлаштирилиб, махсус композицион эритма ёрдамида ёпиштирилади. Қийқимлар четлари махсус занжирсимон баҳя ҳосил қилиб тикувчи машина ёрдамида четлари чиройли нақш ҳосил қилиб детал юзасига қўйма ва безак чок ҳосил қилиб бириктирилади. Бу ишларни амалга оширишнинг сабаби, биринчидан чиқиндилар ҳосил бўлишига йўл қўймаслик, иккинчи томондан эса кийимнинг ташқи кўринишини эстетик жиҳатдан яхшилаш [5-6].

Тикувчилик маҳсулоти таннархининг 80-90 фоизини уларни тикишга сарф бўлган материаллар қиймати ташкил қилади. Шунинг учун маҳсулот таннархини камайтиришнинг, ишлаб-чиқариш рентабеллигини оширишнинг энг самарали йўли-маҳсулот сифатини ёмонлаштирмай туриб чиқиндиларни камайтириш, резервларни топиш ва материалларни тежашдир. Иқтисодиётни кўтариш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётнинг кўтарилишининг яна бир йўли мамлакатимизга кириб келаётган импорт маҳсулотлар соини камайтириш ва халқ хўжалигини ривожлантириш шулар жумласидандир.

Тадбиркорликнинг жадал суръатларда ривожланиши учун жуда катта имкониятлар ва етарли шарт-шароитлар яратилган. Шу жумладан халқ хўжалигининг бир бўғини бўлган фермерлик ҳаракатининг тез раванқ топишига ҳам катта эътибор қаратилган. Чорвачилик



қанча ривожланса, мўйна саноати хом ашёси шунча кўпаяди, бу эса мўйна маҳсулотларини тайёрлашга имконият туғдиради ва ўз навбатида замин яратади [7-8].

Ўзбекистон мустақиллигига эришгач, шу вақтгача хом-ашё базасига айланиб келган Республикамиз ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида бўлгани каби енгил саноат соҳасида ҳам ўзининг самарасини кўрсатмоғи лозим. Айтиш мумкин, замонавий мода йўналишларига мос ҳамда кийимга қўйиладиган барча: гигиеник, эстетик, техник ва эксплуатацион талабларга жавоб бера оладиган, кишилар дидига мос бежирим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бу куннинг долзарб масалаларига айланган [9-12].

Илм-фаннинг ривожланиши мўйна саноатининг ривожланишида катта рол ўйнайди. Халқнинг моддий ва маънавий ўсиши унинг юқори сифатли тайёр маҳсулотларга бўлган талабининг ўсишига олиб келади. Бу эса мўйна саноатининг ривожланиш йўналишларини кўрсатади. Янги материалларни, асбоб-ускуналарни, узлуксиз технологик жараёнларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш, хом-ашё ва материаллардан унумли фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, пардозлаш жараёнини такомиллаштириш, прогрессив технологияларни қўллаш билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мўйна саноати олдида турган муаммоларнинг ечилиши ишлаб чиқаришнинг унумдорлигини оширади ва шу билан бир қаторда атроф муҳитга етказиладиган салбий таъсир муаммолари ўз ечимини топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Темирова, Г. И. (2020). Перспективы развития способов нанесения и укрепления декоративных элементов из натурального меха. *International Journal of Advanced Technology and Natural Sciences*, 1(2), 52-58.
2. TEMIROVA, G. (2019). The importance of preparing a natural fur coat. *Eurasian journal of science and technology*, 1(2).
3. GI, T. (2021). Mathematical Modeling of the Stress-Deformed State of a Fur Package With a Constant Cross Section Under the Action of a Heat Field and External Forces. *Eurasian Journal of Academic Research*, 1(04).
4. Ташпулатов, С. Ш., Темирова, Г. И., Черунова, И. В., Расулмухамедова, Б. А., & Азимова, М. Н. (2021). Разработка способа изготовления меховых изделий на основе ресурсосбережения. *Universum: технические науки*, (11-3 (92)), 55-59.
5. Kodirova, D. X., Mamatova, D., & Temirova, G. I. (2019). Specifications for working on detailsof heat exchanged natural fur. *Вестник магистратуры*, (4-3 (91)), 35-36.
6. Темирова, Г. И. (2020). Повышение эффективности использования коллагенсодержащих материалов при производстве качественных и ресурсосберегающих меховых изделий. In *Всероссийская конференция молодых исследователей с международным участием «Социально-гуманитарные проблемы образования и профессиональной самореализации»(Социальный инженер-2020)* (pp. 152-158).
7. Темирова, Матлаб Ибодовна, and Элбек Улуғбекович Файзиев. «Чармни ошлашда маҳаллий сувда эрувчан фаол синтетик полимерларни қўллаш.» *International Journal of Advanced Technology and Natural Sciences* 2.1 (2021): 33-38.
8. Temirova, G. I., Tashpulatov, S. S., & Cherunova, I. V. (2018). Production technology from natural power on the full-termological technology. In *The latest research in modern science: experience, traditions and innovations* (pp. 44-48).
9. Temirova, G. I., & Tashpulatov, S. S. (2018). An analysis of art decoration used in sewing items. In *The latest research in modern science: experience, traditions and innovations* (pp. 41-44).
10. Темирова, Г. И., et al. “Перспективные направления использования коллагенсодержащих материалов при изготовлении изделий различного ассортимента”.



Научно-технический журнал Наманганского инженерно-технологического института 1 (2020): 63-67.

11. Темирова Г.И., Субхонова И.И., Кудратов Ш. 2022. Способы использования материалов на основе коллагена в производстве меховых изделий. *Международный междисциплинарный исследовательский журнал Galaxy* . 10, 1 (январь 2022 г.), 426–430.

12. Ибодовна, Темирова Г. «Ресурсосбережные способы соединения натурального меха с основной деталью». *Журнал NX* , том.6, нет. 05, 2020, стр. 45-47.